

Жиҳод ва Ҳижрат

21:07 / 25.04.2016 6902

Ҳурматли Шайх Ҳазратлари!!

Мени бир саволим бор эди Сизга, агар имкониятингиз бўлса аниқлик киритиб берсангиз:

сўнгги вақтларда интернет тармоғида жуда кўп "жиҳодни вожиблиги" ҳамда "ҳижрат" қилиш ҳақида турли мақолалар кўпайиб бормоқда. Бизнинг юртимизда, яъни Ўзбекистонда бунга қандай қараш лозим?

Аввалдан Сизга раҳматимни айтаман!

- Саволингиздаги эътиборга сазовор нарсалардан бири интернет тармоғидир. Аслида яхшилиқни ўйлаб қилинган бу тармоқ ҳозирда кўпроқ ёмонликка хизмат қилдирилимоқда. Жумладан, муқаддас динимизга Исломга қарши ҳам. Бу тармоққа жойлашиб олган ғаразгўйлар турли услублар билан динимиз ва диндошларимизга турли зарарларни етказмоқдалар. Бунинг далили сифатида ҳозирги мусулмон ўлкаларда кечаётган урушлар, қон тўкишлар ва келишмовчиликларни эслаб ўтишнинг ўзи кифоя. Мазкур нохушликларнинг барчаси айнан интернет тармоғи орқали уюштирилди ва бошқарилмоқда, дейди мутахассислар.

- Сиз айтган жиҳод ва ҳижрат ҳақидаги маълумотлар ҳам нима ният билан тарқатилаётгани сир эмас. Аммо ўша маълумотларни ким тарқатаётганини билиш осон эмас. Баъзи вақтда бир мутахассис интернетда ўн ва ундан кўп киши номидан иш юритиб кишиларни бошини айлантираётганини ҳамма билиб олди.

- Ғаразгўйлар жиҳод ва ҳижрат каби нозик масалаларда турли гапларни чиқариб ёшларни бошини айлантиришга, уларни алдаб нотўғри йўлга чақиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Исломи ва унинг таълимотларини ўрганишнинг асрлар оша тажриба кўрган ўз қоидалари бор. Уни тайини йўқ шахслардан ўрганилмайди. Балки, бу динни катта устозлардан ўрганиб рухсатларини олган тақводор уламолардан ўрганилади. Сиз ушбу саволни ёзиб жуда яхши қилибсиз. Энди, берган саволларингизга қисқача жавоб беришга ижозат бергайсиз.

«Жиҳод» сўзи луғатда инсон томонидан жамики имкониятни ишга солиб ҳаракат қилиш маъносини англатади.

Шундан келиб чиқадиган бўлсак, мусулмон одам жиҳод қилмоқчи бўлса, ўзининг барча куч-қувват, ақл-заковати ва моддий имкониятларини Аллоҳ йўлида, Унинг дини учун сарфлаши керак бўлади. Алоҳида таъкидлаб айтиш лозимки, жиҳод сўзи луғатда уруш маъносини англатмайди. Урушни араб тилида бошқа сўзлар билан ифода этилади. Асосан, уруш маъносини англатиш учун араб тилида «қитол» сўзи ишлатилади.

Дарсини ўзлаштириш учун барча имкониятларини ишга солиб ҳаракат қилаётган толиби илми мужтаҳид талаба деб аталади. Бинобарин, уни илмий жиҳод қилмоқда деса бўлади.

Шаръий масалаларни ечишда бор имконини ишга солиб ҳаракат қилган улкан олимларни ҳам мужтаҳид деб аталган. Ундоқ кишилар шаръий илмларда жиҳод қилганлар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жиҳод сўзининг луғатдаги хусусиятидан келиб чиқиб жиҳоднинг турлари ҳам кўпайган ва ўшаларнинг ичида душманга қарши жон жаҳди билан жанг қилиш ҳам жиҳод дейилган. Аммо ушбу охириги маҳно бошқаларидан устун келиб кейинчалик жиҳод деганда фақат қитолни тушуниладиган бўлиб қолган.

Аллоҳ таоло Исломнинг дастлабки босқичида мушриклар билан ақийдавий тортишув қилиб турган Ўз пайғамбари Муҳаммад алайҳисаломга Фурқон сурасида қуйидаги хитобни қилади:

«Кофирларга итоат этма! Уларга қарши у(Қуръон) билан катта жиҳод қил!»

Демак, Қуръон билан катта жиҳод қилинган. Бунда уруш олиб бориш маъноси йўқлигини англаш заррача ақли бор одам учун қийин эмас.

Исломда жиҳод маъноси аввало уруш маъносида эмас, Аллоҳнинг динига сўз билан даъват қилиш маъносида юзага келган ва бу маъно шу мавзуда асос бўлиб қолган.

1- Имом Термизий, Ибн Ҳиббон ва Дайлабийлар ривоят қилган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Жиҳоднинг афзали Аллоҳ таолонинг зотида ҳавои нафсингга қарши жиҳод қилмоғингдир», деганлар.

Жомеъул Аҳодис китобида (4 жуз, 741 бет) келтирилган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кичик жиҳоддан катта жиҳодга, банданинг ҳавои нафсига қарши қиладиган жиҳодига хуш келдингиз!» деганлар.

Бундан инсоннинг ҳавойи нафсининг куйига кирмаслик, уни енгиб шариатга мувофиқ яшаш учун жон жаҳди ила қилган ҳаракати ҳам жиҳод эканлиги, жиҳод бўлганда ҳам афзал жиҳод экани чиқади.

2. Имом Бухорий ва бошқалар ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади:

«Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига у зотдан жиҳодга изн сўраб келди. Шунда у зот унга:

«Сенинг ота-онанг борми?» дедилар.

«Ҳа», деди.

«Бас, икковлари(хизмати)да жиҳод қил!» дедилар».

Демак, ота-онанинг хизмати ҳам жиҳод бўлиши мумкин экан.

Исломнинг дастлабки ўн уч йили давомида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлиқ саҳобалар Маккаи Мукаррамада юқорида зикр қилинган қитол-уруш маъноси бўлмаган жиҳодни олиб бордилар.

Ўша вақтда Аллоҳ таоло мусулмонларга мушрикларга қарши куч ишлатишни ман қилган эди. Шу билан бирга, улардан етган азоб уқубат ва озорларга сабр қилишга амр қилган ҳам эди.

Фақатгина, ҳижратнинг иккинчи санасида Қуръони Карим таъбири билан айтилганда «Ўзларига қарши уруш очганларга уларга зулм қилингани учун (урушга) изн берилди».

Ана шундоқ қилиб, ҳижрати набавиянинг иккинчи санасидагина Аллоҳ таоло мусулмонларга ўзларининг ҳимоя қилиш учун қўлларига қурол олишга изн берди.

Жиход ҳақидаги оятларнинг барчасини ўрганиб чиққандан сўнг маълум бўладики, Исломда жиход ҳукми шароитга қараб ўзгариб туради.

Жиход икки қисмдан иборат: талаб ва мудофаа.

Талаб жиходи ҳозир йўқлигига уламолар ижмоъ қилишган. Чунки, ҳозирда ҳамма давлатлар урушмасликка келишганлар ва ўзаро алоқалар ўрнатиб элчихоналар очганлар.

Мудофаа жиходи душманлар мусулмон юртга уруш қилиб, бостириб кирсалар, ҳимоя учун бўлади.

Баъзи бир ҳолатлар бўладики, унда уруш қилиш билан қилмаслик тенг бўлиб қолади.

Яна бир ҳолатларда тинчлик учун ҳаракат қилиш зарур бўлади. Буларнинг ҳукмини катта уламолар томонидан шаръий манбаларда баён қилинади.

Жиходнинг ўзига яраша қоидалари бор. Қурол ишлатиш бугунги кунда мусулмонларга фойда бериш-бермаслигини яхшилаб ўйлаб кўриш керак. Ҳар бир ишни қилишдан олдин мусулмонлар оммасига фойда келтирадимми, йўқми, яхшилаб ўйлаш керак.

Суриялик машҳур олим Муҳаммад Саъид Рамазон Бутий жиход ҳақида китоб ёзиб, бугунги кунда жиход чақириғи билан чиқаётганларнинг гаплари ҳам, ишлари ҳам ҳақиқий жиходдан йироқ, деган фикрни олға сурдилар.

У киши сиз айтган интернет тармоғида жиход ва ҳижрат ҳақида сафсата сотаётганларни қаттиқ танқид қиладилар.

Муҳаммад Саъид Рамазон Бутий ҳазратлари куч ишлатишни «жиход» деб даъво қиладиганларга қарши таълиф қилган «Ал-Жиход фил Ислом» номли китобида қуйидагиларни ёзади:

«Мен бу асрда баъзи бир доиралар наздида янги ислом туғилаётганини мулоҳаза қилмоқдаман. У, Аллоҳнинг ҳузуридан ваҳий бўлиб тушмайди. Лекин баъзи одамларнинг фикрлари ва мижозларидан келиб чиқади. Унинг ҳукмлари шаръий далиллар ҳукми ила бирлашмайди ва уларнинг ҳужжатига бўйсунмайди. У фақат баъзи шахс ва жамоаларнинг таассубидан ёки шаҳвату ҳавойи нафсининг султонидан келиб чиқади.

Бугунги кунда ислом олами гувоҳ бўлиб турган нарса ўша янги ислом «элчи»ларининг тинимсиз ҳаракатларидан келиб чиққан нарсалардир. Биз уни аввал билмаган эдик. Улар ўзларининг исломини ҳозиргача биз Аллоҳдан ваҳий бўлиб келган деб билган исломнинг ўрнига қўймоқчилар.

Биз билган ислом Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳидоятлари баёни, қатъий шаръий далиллар, собит фикҳий қоидалар, мусулмонларнинг барча авлодлари илмларининг кенглигига ва фаҳмларининг дақиқлигига гувоҳлик берган салаф уламолари жумҳурининг ижтиҳодлари тақозо қилган нарсаларни лозим тутишдан иборатдир».

«Мазкур фикр ва миждоз исломи, уни ихтиро қилганларнинг даъвоси бўйича, гўёки, Куръон, Суннат ва салафи солиҳларнинг ҳукмининг фикҳи эмиш. Аммо, улар бир вақтнинг ўзида бирор айби йўқ мусулмонларни кечаси бўғизлаб кетишни «шариат рухсат берган иш» дейдилар.

Улар Исломий маҳкама зиммаларига бирор айбни қўймаган муслима қизларни сўйиб ташлашни «шариат рухсат берган иш» дейдилар.

Улар Батна шаҳридаги шаръий илмлар маъҳади мудирини ҳеч айби бўлмаса ҳам қатл қилиб юборишни «шариат рухсат берган иш» дейдилар.

Улар оддий йўловчилар тўла учқични ичидаги беайб инсонлар билан қўшиб портлатиб юборишни ҳам «шариатда бор иш» дейдилар.

Ҳар биримиз кўзларини юмиб олиб, «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бугун ичимизда юрибдилар», деб хаёл қилсин. Ул зот мазкур миждозий Исломга рози бўладиларми?! Уни қабул қилиб, бошлиқ бўлиб, унга даъват қиладиларми?»

Биттаси менга қуйидагиларни ёзибди:

«Сизнинг собит фикҳий ҳукмларни ёзаётганингиз тўғри. Лекин уларни одамлар ичида эълон ва нашр қилинса, ҳокимларга мазкур ишларни қилаётганларга зарба бериш учун ҳужжат бўлиб қолади-ку!»

Яъни, ўша одамлар ўзларининг ваҳшиёна ишларини қилиб юриверсинлар. Аллоҳнинг динига, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳидоятига хилоф бўлса ҳам, майли. Биз кўнглимизни кенг тутиб, уфф ҳам демай тураверишимиз керак. Бунинг устига, Исломни ҳам сукут сақлашга мажбур қилишимиз, ўша ваҳшийликлар ҳақида ҳукмини сўрамай туришимиз лозим.

Негаки, ҳоқимлар мазкур ваҳшийликларни тўхтатишни баҳона қилиб, уларни қилувчиларнинг қўлига урмасинлар!”

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бизнинг ватанимиз Ўзбекистонда бу каби нотўғри фикрларнинг тарқалишининг олдини олишимиз керак.

Уламоларимиздан сўраб, ўрганмай туриб интернет тармоғига ишониб қолмаслигимиз керак. Умуман, ғаразгўйларнинг алдовига ёшларимиз илиниб қолмасликлари учун барча маърий чораларни кўришимиз лозим. Китоблар, маърузалар, овоз ва сувратли ёзувлар ва интернетни ҳам ишга солишимиз керак. Акс ҳолда савоб қилмоқдаман деб гуноҳга дучор бўлиб қолишимиз ҳеч гап эмас.

ҲИЖРАТ МАСАЛАСИ

Ҳижрат масаласи ҳам ўта нозик масалалардан ҳисобланади. Шу сабабдан ғаразгўйлар бу масалани ҳам ишга солиб кишиларимизнинг бошини айлантриб, турли нохушликларга гирифтор қилишга уринишади.

Мен сизнинг саволингизга ўзимнинг “Васатия ҳаёт йўли” деб аталган китобимдан олинган иқтибослар ила жавоб бермоқчиман

Ақийдада ҳаддан ошиб ғулувга кетганлар «ҳижрат қилмаганлар кофирдир» деган гапни одамлар ичида кенг тарқатишган. Жуда кўп одамлар бу масала ҳақида катта ташвиш билан савол берадилар. Уларга масала далил ва ҳужжат билан тушунтирилмаган. Кофир юртда ёки дорул ҳарбда туриш куфрдир, ҳижрат қилиш фарздир деган фикр уқтирилган, холос. Аммо қайси далил буни тақозо қилишини ва энг муҳими, ҳижратнинг қаерга қилинишининг баёни келмаган.

Аслида эса, бу фикрни олдинга сурганларнинг бошлиқлари қуйидаги далилларни келтирадилар.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида:

«Ўзига зулм қилувчи ҳолида жони олинаётганларга фаришталар: «Нима қилаётган эдинг-лар?» – дерлар. Улар: «Ер юзида бечора эдик», дерлар. «Аллоҳнинг ери кенг эди-ку, ҳижрат қилсангиз бўлмасмиди?!» – дерлар. Ана ўшаларнинг жойи жаҳаннамдир. У қандай ҳам ёмон жой!» деган (97-оят).

Ҳаким ибн Муовиядан, у отасидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мусулмоннинг барчаси мусулмонга ҳаромдир. Улар икки бир-бирига ёрдамчи биродардирлар. Аллоҳ Азза ва Жалла мушрикдан, мусулмон бўлганидан кейин токи у мушрикларни тарк қилиб мусулмонларга келмагунча, амални қабул қилмайди», дедилар».

Насайй ва Ибн Ҳиббон ривоят қилган.

Уларнинг гапларига раддия:

Улар далил қилиб келтираётган оят ва ҳадис қўрқитиш маъносидаги матнлардандир. Бу каби оят ва ҳадислардан ҳукм чиқариш учун асл ҳукмларга қайтилади. Асл ҳукм бўйича, аҳли тавҳид дўзахда абадий қоладиган кофир бўлмайди.

Имом Муҳаммад ибн Исмоил ас-Санъоний ўзининг «Субулус Салом» номли машҳур китобида юқоридаги ҳадис ва унинг маъносидаги бошқа ҳадисларни шарҳлаб бўлганидан кейин, қуйидаги ҳадиснинг шарҳида айтади:

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Фатҳдан кейин ҳижрат йўқ», дедилар».

Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган.

«Бу ҳадис умумий ва ўзидан олдин келган ҳижратга далолат қилувчиларини насх қилувчидир, дейдилар. Шу билан бирга, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмон бўлган арабларни Ўзлари томон ҳижрат қилишга амр қилмаганлар ва ўз юртларида туришларини инкор қилмаганлар».

Бу, такфирчиларнинг гапига кучли раддиядир.

Сўнгра имом Санъоний Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мусулмонларнинг раҳбари сифатида бошқаларга таклиф қиладиган ишлари ҳақидаги ривоятни келтирган ва қуйидаги жумлага урғу берган:

«Агар улар ҳижрат қилишдан бош тортсалар ва ўз диёрларида турмоқни ихтиёр қилсалар, уларга билдиким, алар худди мусулмон аъробийлар каби бўлурлар, уларга ҳам мўминларга жорий бўлган Аллоҳнинг ҳукмлари жорий бўлгай».

Мазкур тоифага кучли раддиялардан яна бири қуйидаги ояти каримадир.

Аллоҳ таоло «Анфол» сурасида:

«Албатта, иймон келтирган, ҳижрат қилган, Аллоҳнинг йўлида молу жонлари билан жидди жаҳд қилганлар ва жой бериб, ёрдам кўрсатганлар, ана ўшалар бир-бирларига валийдирлар. Иймон келтирган, аммо ҳижрат қилмаганларга эса, то ҳижрат қилмагунларича, сиз ҳеч валий бўла олмасиз. Агар улар сиздан динда ёр-дам сўрасалар, ёрдам бермоғингиз вожиб. Фақат, сиз билан ўрталарида аҳднома бор қавм зиддига эмас. Аллоҳ нима қилаётганингизни кўргувчи зотдир», деган (72-оят).

Ушбу оятда Аллоҳ таоло мўминларнинг бир неча синфларини зикр қилмоқда:

1. Ҳижрат қилганлар.
2. Жой бериб, ёрдам кўрсатганлар.
3. Иймон келтирган, аммо ҳижрат қилмаганлар.

Буларнинг ҳаммасини Аллоҳ таолонинг Ўзи «мўминлар» деб атамоқда.

Албатта, ҳижратга тегишли оят ва ҳадислар фақат юқорида зикр қилинганларидангина иборат эмас. Бу масала бўйича уларнинг ҳаммасини ўрганиб чиққан уламолар бу ҳукмни батафсил баён қилганлар.

Мухтасар бўлиши учун Кувайт Вақф ва Исломиё ишлар вазирлиги нашр этган «Фикҳ энциклопедияси»да баён қилинган сўзларни келтирамиз:

«Мусулмоннинг дорул ҳарбда муқим туриши унинг Исломига футур етказмайди. Фақат, дини хавф остида қолгандагина бундан мустасно. Яъни, динини ошкора зоҳир қилиш имкони қолмаса, ҳижрат қилиш лозим бўлади. Аллоҳнинг «Нисо» сурасидаги «Ўзига зулм қилувчи ҳолида жони олинаётганларга фаришталар: «Нима қилаётган эдинглар?» дерлар. Улар: «Ер юзида бечора эдик», дерлар. «Аллоҳнинг ери кенг эди-ку, ҳиж-рат қилсангиз бўлмасмиди?!» дерлар», деган оятига биноан (97-оят).

Бу ҳукм ожиз ва бемор бўлмаганлар ҳамда туришга мажбур қилинмаганлар учундир.

Аммо фитнадан қўрқмаса ва динини изҳор қилиш имкони бўлса, унинг учун дорул исломга ҳижрат қилиш мустаҳаб бўлади. Унинг ҳижрат қилиши вожиб эмас.

Кувайт Вақф ва Исломий ишлар вазирлиги нашр этган «Фиқҳ энциклопедияси»дан келтирилган мисолда гап дорул ҳарб–мусулмонларга қарши уруш эълон қилган диёрда яшаб турган мусулмонлар ҳақида эканини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз.

Ҳозирги кунда деярли барча мамлакатлар ўртасида тинчлик сулҳлари тузилган. Бу ерларда яшаб турган мусулмонларни қандай қилиб кофирга чиқариш мумкин.

Ҳамаср уламоларимиз аслида номусулмон бўлган ғарбий давлатларда мусулмонларнинг яшашлари, ишлашлари ва ўша давлат фуқаролари бўлишларига фатво берганлар.

Бас, шундай экан, аслида мусулмон бўлган юртларда намозини ўқиб, рўзасини тутиб, бошқа ўзига фарзи айн бўлган ҳукмларга амал қилиб юрган мусулмонларни «Ҳижрат қилмасанг, кофир бўласан!» дейиш қаердан чиққан?!

Иккинчидан, аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, «Ҳижрат қилмаган кофир бўлади» деб айтаётганларнинг ўзлари қаерга ҳижрат қилишни айтиб бера олмайдилар. Зотан, уларнинг фикрига биноан, ҳозир ҳамма мамлакатлар дорул куфр. Улар ўзлари қурган ҳарбий қароргоҳларга ҳижрат қилишни ва ўша ердан ҳужум уюштириб, ўзлари режа қилаётган хаёлий давлатни қуришни таклиф қиладилар. Ана, гап қаерда!”

“Зиёратчилардан бири ўзига керак бўлган бир неча саволлардан кейин жиддийроқ савол борлигини айтди.

«Қани, эшитайлик-чи, қандай савол экан ўзи?»–дедим.

«Баъзи биродарлар, ҳозир ҳижрат қилиш фарз, бусиз иш битмайди», дейишмоқда. Бунга нима деймиз», деди.

«Ҳижрат қилиш фарз бўлса, нима учун ўзингиз уни қилмай юрибсиз, демадингизми?»–дедим.

«Бу нарса эсимга келмапти. Аммо у одам жуда қаттиқ туриб, шу ишни қилиш керак, деб уқтирмоқда», деди.

«Фарзи айнларни адо этишга имкон бўлса, ҳижрат фарз бўлмайди. Бу гапни аввал нима қилса, қилиб юрганлар ўзларидаги нуқсонни хаспўшлаш учун айтишади. Улар шундай қилсалар, гуноҳлари енгиллаб қолганга ўхшайди. Сизлар тушуниб олдингиз, унга ўхшаш гапларга эътибор берманглар», дедим.

«Ҳақиқатан, ўша одам ҳар хил ишларни қилиб юрарди. Сирни энди тушундим», деди мийиғида кулиб зиёратчи.

Бугунги кунда динда мана шу турдаги ҳаддан ошганлар бизда жуда ҳам кўп. Улардан жуда эҳтиёт бўлиш керак.